



**TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB
MASALALARI, NAZARIYA VA
INNOVATSION TA'LIM
TEXNOLOGIYALARI**



**XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI TO'PLAMI

NUKUS – 2021

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI

AJINIYOZ NOMIDAGI
NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

„TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI,
NAZARIYA VA INNOVATSION TA‘LIM
TEXNOLOGIYALARI“
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO‘PLAMI

HAMKORLAR:



Alisher Navoiy nomidagi O‘zbek tili va adabiyoti universiteti hamda Davlat tilidoshlik instituti

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ НЎЪМОН РАҲИМЖОНОВ НИГОҲИДА

Қодирова Рўзигул Садуллоевна

Бухоро давлат университети ўқитувчиси
sadulloeyevna1991@mail.ru

***Аннотация.** Мақолада таниқли адабиётшунос олим Нўъмон Раҳимжоновнинг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеърияти таҳлиliga бағишланган тадқиқотлари ҳақида фикр юритилган. Бу жиҳатдан шоир шеърларидан ифода этилган Ватан мавзуси моҳияти ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар.** Мавзу, Ватан мавзуси, миллий характер, Ватан-табиат уйғунлиги, пейзаж лирикаси, куз образи, фалсафий маънодорлик, рамзий-мажозий фикрлаш тарзи.*

Таниқли адабиётшунос Нўъмон Раҳимжоновнинг кўплаб тадқиқотлари ўзбек шеъриятини турли адабий авлод лирикаси мисолида ёритиб бериш ташкил этади. Хусусан, унинг “Мустақиллик даври ўзбек шеърияти” номли кенг қамровли монографияси бу жиҳатдан аҳамиятли. Унда олимнинг янги ўзбек шеърияти, ҳозирги адабий жараён таҳлили билан боғлиқ нозик кузатишлари ўрин олган. Жумладан, унинг “Бугуннинг қаҳрамони ким?”, “Шеър – кўнгил хуши эмас, кўнгил иши”, “Адабиёт – бизнес эмас”, “Халқ ахлоқи ва идеали – бош мезон” каби мақолаларида адабиётшунос истиқлол даври ўзбек шеъриятига хос ижтимоий-эстетик идеаллар ўзгарганлиги; танқидий руҳ, публицистик кўтаринкилик, фалсафий теранлик кучайганлиги; бадий тафаккурда сифат эврилишлари кечганлиги сингари масалалар теран ёритиб берилган. Шулар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеърияти тадқиқ этилган мақолалар ўзига хос аҳамият касб этади.

Н.Раҳимжонов шоир Абдулла Орипов шеърларининг асоси бўлган бу беқиёс юрт – Ўзбекистон мавзусини таҳлил қилар экан, ёзади: “Абдулла Орипов ўз шеърларини устозига-барҳақ ва барҳаёт илҳом манбаи асрлар қошонасида мангу ёруғ маскани бўлган юрти – Ўзбекистонга бағишлайди. А.Орипов лирик қаҳрамони она юрт шамолида куйлаган ўзбек тупроғининг кўшиғини тинглаб билади; уни юксак шоирона тил билан ўқувчига таржима қилиб беради. Ям-яшил баҳор лабидаги яшноқ табассумни ҳам жазирама ёз иссиғида ҳар бир туп ғўзасига битталаб эгилган, эгатларга букилиб бели қотган

бобо дехқон пешонасига қўшилган ажинни ҳам нуроний чолларга ҳасса йўнган файзли кузни ҳам – хуллас, табиатнинг тўрт фаслида она юрти ва захматкаш халқи қалбининг тўрт фасли қўшиғини тинглай билади” [1: 260]. Кўринадики, олим шоирнинг Ватан ҳақидаги битиклари моҳиятини теран очиб берган. Яъни шоир шеърлятида Ватан деган улуғ тушунча йилнинг тўрт фаслида, унинг фидоий халқи, меҳнаткаш дехқон сиймосида намоён бўлишини адабиётшунос теран талқин этган. Олим бу борадаги фикрларини давом эттириб, ёзади: “А.Орипов лирикасида “Ўзбекистон – халқ” табиат образлари уйғунликда очик бир китобдек кўз ўнгингда намоён бўлади. А.Орипов шоирона юртининг ёник шеърларини эҳтирос билан меҳр билан ўқиётгандек туюлади. Дарҳақиқат, А.Орипов шеърларининг асосий мавзуси – она юрт, Ўзбекистон Ватандир”[1: 39]. Адабиётшунос А.Ориповнинг Ватан ҳақидаги сатрлари қатида “Ўзбекистон-халқ” вобасталигини кўради.

Маълумки, А.Ориповнинг Ватан мавзусидаги шеърларида юртнинг кўхна тарихи, бугуни акс этган. Н.Раҳимжонов шоир ижодининг шу хусусиятига алоҳида эътибор қаратади: “А.Орипов лирикасида кўпинча халқимиз тарихига мурожаат этиш, миллий характер асосларини англаб етишига интилиш, болалик хотираларини кўз ўнгида жонлантириш, тиклаш, она-юрт манзараларига эстетик муносабатда бўлиш орқали Ватан образини бунёд этади. Бу қарашлар миллий тарихимиз – Ватан камолоти асоси эканлигини кўрсатиб туради” [1: 39].

Адабиётшунос олим А.Орипов шериятидаги яна бир қиррани тўғри қайд этади : “Шоир шеърларидаги табиат манзаралари Ватан қиёфасини тўлдирувчи деталлар эмас. Табиат – шоир наздида Ватаннинг бир бўлаги, кечинмалар ва инсон куч-қудратининг асоси, ниҳоят, доимо янгиланиб, барқ уриб турувчи ҳаёт тимсоли. А.Ориповнинг лирик қаҳрамони табиат оғушига сингиб, фарахли сурури кўйнида кўринмай кетмайди” [1: 40]. Бунда шоир шеърларидаги Ватан-табиат уйғунлиги таъкидланган.

Шу асосда олим А.Ориповнинг табиат мавзусидаги шеърлари таҳлилига ўтади: “А.Ориповни табиат куйчиси ёки табиатнинг рассом шоири дейиш

қийин. Унинг лирикасида соф пейзаж шеърлар кам. Лекин ҳаётнинг боқийлигини ҳис эттириш ва шу асосида инсон тириклигининг мезонига айланиши жиҳатидан ҳам табиат билан узвий боғлиқликда намоён бўлади” [1: 39]. Бунда шеършунос шоирнинг табиат ҳақидаги шеърларини пейзаж лирикаси намунаси ҳисоблайди, табиат манзаралари тасвирида ҳаёт, тириклик тантанасини кўради.

Бу талқин шундай хулоса билан тугамайди, балки фикр тадрижланиб боради, яъни олимнинг таъкидлашича: “Халқ ва унинг тарихи билан узвий алоқадорлик инсонга табиат билан боғлиқлик ато этади, деган фикр А.Ориповнинг инсон ва табиат мавзуидаги шеърларида нурланган мазмунни ифодалайди. Халқ ва тарих хотирасидан маҳрумлик инсонга табиат томонидан ўлимтик ёлғизлик келтиради.

Шамол шовуллайди қадим боғларда
 Буюк, кўҳна дунё кўпчийди оғир
 Мен унинг қўйнида кездим сабодай,
 Қорлардан лоларанг оловлар ёқдим ” [1: 41].

Адабиётшунос Ватан ва табиат уйғунлиги халқ ва тарих вобасталигида кўради. Буни ҳаётий хулоса, дейиш мумкин. “Шамол шовуллайди қадим боғларда” деб бошланувчи сатрлар шундай мазмун билан суғорилган.

Адабиётшунос А.Орипов лирикаси намуналарини таҳлил қилар экан, ёзади: “А.Орипов лирикасида куз образи алоҳида ўрин тутди. У куз фаслининг табиатида халқимиз меҳнатининг эзгу моҳиятини кўради, инсон қалбининг рангин ҳолатларини яратади. Шу ўринда А.Орипов лирикасида эпиклик унсурларининг кучайиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Эпиклик деганда, шоир шеърлари мундарижасини ташкил этган Ватан, инсоният она сайёра сингари тушунчалар билан белгиланмайди” [Н.Раҳимжонов,2007: 42]. Таниқли шеършунос куз ҳақидаги шеър билан боғлиқ кузатишлар давомида А.Орипов ижодидаги яна бир хусусиятни юзага чиқаради. Бу шеърда акс этган эпиклик унсури, яъни куз манзараси чизилган шеърларда табиат манзараси ҳаётий воқелик тасвири ўлароқ муайян сюжетни юзага келтирган.

Нўъмон Раҳимжонов кузатишлари давомида А.Орипов шеърятининг ўзига хослигини очиб бериш мақсадида Э.Воҳидов ижоди билан қиёслайди: “А.Орипов кичик бир ҳаётӣ деталдан, олис ўтмиш хотираларидан фалсафий мазмун касб этувчи бадий умуллашмалар чиқаради. Унинг ижодидаги фалсафий маънодорлик чунончи, Э.Воҳидов лирикасида тажассум топган, ўқувчини ҳаёт ва воқелик белгилари хусусида нозик кайфиятга солувчи, туйғуларга чулғовчи мусиқий образлик замиридан сизиб чиққан мушоҳадакорликдан фарқ қилади. Э.Воҳидов лирикасида поэтик образлар мусиқий оҳанг, ҳолат кайфият ва картиналар асосига қурилади. А.Ориповда эса ушбу омиллар ўзгача. Шоир поэтик образларининг ўзига хослиги – бу ҳаётӣ конкретликка эгалигидир. Поэтик образлар аниқ ҳаётӣ ҳолат, далил ва деталлардан вужудга келган” [Н.Раҳимжонов, 2007: 42]. Бу жиҳатдан олим хулосаларига қўшилиш мумкин. Яъни А.Орипов кичик деталларда катта маъно борлиги, Э. Воҳидовда фалсафий маънодорлик мусиқий оҳангдорликни юзага келтириши тўғри қайд этилган.

Умуман олганда, таниқли шеършунос Н. Раҳимжоновнинг А.Ориповнинг сўнгги йилларда яртаган шеърлари таҳлили орқали мустақиллик лирикасининг ўзига хос тамойилларини очиб берди. Шу теран кузатишлар бадий тафаккурдаги янгиланиш, рамзий-мажозий фикрлаш тарзи ҳақидаги илмий хулосалар ўртага ташланади. Шу жиҳатдан олим кузатишларини нафақат халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов, балки истиқлол шеърятининг бадий манзараси деб баҳолаш мумкин.

Адабиётлар:

1. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. –Т.:Фан 2007 -Б. 260

2. Qodirova, R. (2022). NO`MON RAHIMJONOV - SHE`RSHUNOS OLIM. ILMIY NASHRLAR MARKAZI (buxdu.Uz), 8(8).

3. Садуллоева Р. Қ. Рауф Парфи Ва Эркин Воҳидов Шеърлари Тадқиқига Оид Айрим Кузатишлар //Бошқарув ва Этика Қондалари онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 207-210.

4. Qodirova, R. (2021). ABDULLA ARIPOV'S WORK DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE IS INTERPRETED BY NUMAN RAKHIMJANOV . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 7(7).

Allambergenov H., Karimboyeva D. Shodmonqul Salom ijodida ota obrazi.	425
Zeynalli J.E. Yaşar Kamalin “Incə Məməd” romanında realizm	428
Davlatmurodov I. Yangi davr hikoyachiligida shaxs konsepsiyasi badiiy talqini	433
Latipova Sh.B. Ne’mat Aminovning “Qassob boboning iti” hikoyasida davr illatlari tasviri	437
Mátekov A. Janrlar kesispesindegi janr (Sh.Usnatdinov dóretiwshiligi misalında)	440
Əlimбаев А.Е. Əдеби мұра – рухани жаңғыру негізі	444
Бойсинов С.С. Инсоний фазилатлар тарғиботида “Қутадғу билиг”нинг ўрни	449
Расулмухамедова Д.З. Туркий халқлар адабиёти ва унда Навоий ижоди	454
Балтаева З. Эркин Воҳидов шеърлятида шаклий изланишлар	457
Дўстова С.С. “Тазкираи шуаро”да Феруз ҳаёти ва ижоди	459
Салаев Р.Ф. Абдурауф Фитрат ва ўзбек арузшунослиги	463
Ҳасанов Х. Тарихий романда инсон иродасининг поэтик талқини	467
Matjanov Sh., Baltabayeva D. She’riyatda shoir shaxsiyati va lirik qahramon talqini	472
Бобожонов Ғ.О. Навоийнинг «балоғат илми»даги устозлари	475
Жуманиязов Д.Қ. Сирожиддин Саййид фардларида ғоявийлик ва фалсафийлик	480
Қодирова Р.С. Абдулла Орипов шеърляти Нўъмон Раҳимжонов нигоҳида	484
Сапарова А. Анвар Обиджон шеърлятида образлилик	488
Досжанова Г. Сирожиддин Саййид шеърлятида тўртлик шеърлий шакллар ва мумтоз поэтик анъаналар	492
Бўронова Б.М. Бадий асарда макон ва замон билан боғлиқ масалалар	498
Ergashev M.U. Isajon Sultonning „Shamolli kecha“ asarida roviylik	503
Allabaýew G. Döwletmämmet Azady we Magtymgulynyň döredijiliginde ulyum we alymlar hakynda ideýä birligi	507
Azilova Z.G. Qoraqalpoq adabiyotida esse janri evolyutsiyasi	510
Imomova R.A. Rauf Parfi she’riyatining obrazlar olami	515
Хо‘shboqov F. Abdulla Oripov poetikasining o‘ziga xosligi	519
Danaboyeva M. Qahramon va davr fojiasi talqini (Said Ahmadning “Sarob” hikoyasi misolida)	524